*Аҳтам ЎРОЛОВ, профессор*

# СУРАТ ЧИЗИШ ТАҚИҚЛАНГАНМИ?

*ИСЛОМ ШАРИАТИДА ТАСВИРИЙ САНЪАТГА МУНОСАБАТ*

**Буюк алломаларимиз эътиқод қилган ислом динининг маънавий-маърифий асосларида ҳар бир мусулмон ўз ҳаётида чуқур илм ўрганмоғи, мудом юксак маънавият сари интилиши лозимлиги эътироф этилган. Шу билан бирга ислом динининг ўрта асрларда халқимиз маданиятига ва у орқали тасвирий санъатига таъсири сезиларли бўлганлигини ҳам назардан четда қолдирмаслик лозим. Айрим талқинларда ушбу таъсир деярли инкор этилади.**

**Исломнинг тасвирий санъатга муносабати аслида қандай бўлган? У мазмун моҳияти жиҳатидан салбиймиди ёки ижобий? Ушбу мақоламизда бу саволларга баҳоли қудрат аниқлик киритишни ҳамда ислом ва тасвирий санъат мавзуини батафсилроқ ёритишни мақсад қилиб қўйдик.**

Мусулмон маданияти ва Турон цивилизацияси тасвирий санъатида ислом шариати қоидаларига биноан тирик мавжудодларни ифода этиш, маҳобатли рангтасвирлар ва ҳайкаллар яратиш тақиқланган. Айниқса, бу Усмонлилар сулоласи санъатига хос хусусият эди. Ўрта аср оврупаликлари ривожланган Усмонли турк империясини мусулмон дунёсининг тимсоли сифатида тасаввур қилардилар. Шу боис Оврупада юқоридаги тақиқ мусулмон халқлари тасвирий санъатига гўёки ҳамма вақт ҳам хос бўлган ва у Қуръонда тирик мавжудодларни тасвирлашни тақиқ қилишдан келиб чиққан, деган тушунча ҳосил қилинган. Аслида бу нотўғри тасаввур эди. Қуръонда тирик мавжудотларни тасвирлашни тўғридан-тўғри тақиқлаш у ёқда турсин, ҳатто унда бирон бир рангтасвир ёки ҳайкални чеклаш ҳам кўзда тутилмаган.

Шарқшунос олим О. Болшаковнинг фикрича, ислом динида тирик мавжудодларни тасвирлашнинг гуноҳ саналиши VIII асрнинг сўнгги яримларида, яъни ҳадислар шакллана бошлаган даврларда вужудга келган. "Жаҳон санъати тарихи" китобининг иккинчи жилдида (М. 1961) Исломнинг бутпарастликка қарши қўйилган дунёқарашидан IX-X асрларда у дунёдаги жазолардан қўрқитиб, маълум тартибдаги сувратларни тасвирлашни тақиқлаш учун фойдаланилган бўлиши мумкин, дейилган.

Шарқ меъморчилик тараққиёти тарихи шуни кўрсатадики, ислом мамлакатларида исломга қадар ва ҳатто унинг бошланғич даврларида ҳам бинолар, иншоотлар нақш ва безакларсиз, одам, ҳайвонот ва табиат тасвирларисиз ишланмаган. Айниқса, ҳокимлар, зодагонларнинг қаср ва саройлари тасвир санъатининг ажойиб намуналари билан безатилган. Масалан, Уммавийлар даврида (VII—VIII аср) чиройли бино ва иншоотларни рангтасвирли сувратлар, қадама нақшларсиз тасаввур этиб бўлмаган. Ёзма манбаларда бу ҳақда маълумотлар сақланиб қолган. Айрим тасвирий санъат намуналари бизгача етиб келган. Жумладан, 1898 йили Қусайр Амра шаҳрида (Сурия) VIII асрда қурилган уммавийлар қаср ҳаммомининг харобалари очилганда унинг деворларидан одам ва ҳайвонларнинг рангли тасвирлари топилган. Бундан ташқари, Иордан воҳасидаги ал-Хейр ва хирбат ал-Мафжар қаср саройлари (уларнинг таркибида ҳам ҳашаматли ҳаммомлар бўлган) харобаларида сақланиб қолган одам ёки ҳайвонлар тасвирининг кенг қўлланилганидан далолат беради.

Ўша даврларда инсон ва ҳайвон қиёфаси тасвирларини нафақат ҳукмдорлар учун қурилган саройлар ва ҳаммомларда, балки мусулмон масжидларида ҳам учратиш мумкин бўлган. Дастлабки ислом масжидлари учун исталган катта бинолардан фойдалана бошланган. Араблар, масалан, Ктесифонни (Сосонийлар пойтахти, Ироқ VII аср) фатҳ этганларидан сўнг жума намозини сосонийлар саройининг тирик мавжудодлар тасвири туширилган айвонида ўқиганлар. Масжидлар дастлаб фатҳ этилган халқларнинг черковлари, оловга сиғиниш ва шунга ўхшаш исломгача бўлган ибодатхоналарида жойлаша бошлаган. Бундай ибодатхоналарда илгари ишланган турли хил қадимий тасвирлар кўпинча сақланиб қолган. Ўша даврларда янги масжидларни қуришда ҳатто уларни безашга мавжуд маҳаллий усталар ҳам таклиф қилинган. Улар кўпинча мусулмон масжидларини ўзлари билганларича безаб, айрим ҳолларда ҳатто жонли мавжудотларни ҳам тасвирлаганлар. Вақт ўтиши билан, албатта, бундай тасвирларни мусулмонлар безакли нақшларга алмаштирганлар.

Мусулмонларнинг тирик мавжудодлар тасвирига қарши илк бор чиқиши Язид II (720-724) ҳукмронлиги даврида рўй берган, деган маълумотлар бор. Аммо унинг вафотидан кейинги янги халифа Араб халифалигидаги бутларни йўқотиш ҳақидаги илгариги фармонни бекор қилади. Умрининг охирида художўйлиги билан танилган уммавийлар халифаси Умар II (717-720) ҳам рангтасвирга қарши чиққан: кунлардан бирида у қайсидир ҳаммомдаги тасвирларни кўриб қолиб, уларни йўқотишга фармон беради. Афсуски, бу маълумотни келтирган муаллиф ҳалифани хусусан қандай тасвир нафратлантиргани ҳақида ёзмаган.

Халифа Ҳорун ар-Рашид ва Маъмун ҳукмронлиги даврида яшаган (VIII-IX асрлар) христиан епископи Феодор (Абу Курра)нинг ёзма хабарларида жонли нарсаларнинг сувратини чизувчиларни охир замонда ўзлари чизган сувратларга жон киргизишга мажбур этилади, деган тушунча ҳақида эслаб ўтилган. Бундай тушунча Имом Муҳаммад ал-Бухорий (810-870) ҳадисларидан бирида ҳам ўз ифодасини топган. Демак, айтиш мумкинки, исломда тирик мавжудодларни чизишнинг гуноҳлиги ҳақидаги дунёқараш IX асрнинг бошларига келиб шакллана бошлаган. IX асрга қадар ҳадислар асосан оғзаки эълон қилиниб, фақат IX-X аср бошларида улар улкан тўпламлар тарзида вужудга келади. Демак, X-XI асрлар давомида бу дунёқараш исломда ҳал қилувчи қоида сифатида шаклланиб бўлган. Шунинг учун ҳам айрим халифалар X асрларгача ўз саройларини рангли тасвирлар ва ҳайкаллар билан безаганлар. Бундай ҳолат, масалан, халифаликдан ажралиб чиққан Мисрда рўй берган. Амир Ҳумаравейхи (884-896) ўзининг Фустотдаги саройи залларининг бирини одам бўйидан бир ярим марта катталикда ўзи ва хотинини тасвирловчи ёғоч ҳайкаллар билан безайди. Испаниялик мусулмон Абдураҳмон (912-961) эса ўзининг мухташам саройи олдига хотини Зуҳронинг бронзадан ишланган ҳайкалини қўйдиради.

Фотимийлар давридаги Мисрда ҳам (X аср) тасвирий санъатдаги чегараловчи дунёқараш ҳали деярли кучга кирмаган эди. Бу даврда Қоҳирада халифа ва шоирларнинг сувратларини намойиш этувчи алоҳида залларни учратиш мумкин. Бундай залларда баъзан мусаввирларнинг ўзаро мусобақалари уюштирилиб турган. Ҳатто Маҳмуд Ғазнавийдек (X аср) тақводор мусулмон ҳам ўз саройини турли сувратлар ва тасвирлар билан безаган. Маҳмуд Ғазнавий қувғинда юрган Ибн Синонинг расмини солдириб, уни излатган ҳам.

Бундай тасвирий санъат безаклари X-XI аср феодал мусулмон ҳукмдорларининг саройларидагина бўлиб қолмасдан, балки шаҳарлик бадавлат хонадонларда ҳам учраб турган.

Маълумки, қадимги римликлар ва юнонларда ҳаммомларнинг ички қисмларини тасвирий безаклар билан ҳашамлаш анъана тусига кирган. IX-XI асрларда бу анъана мусулмон дунёсидаги ҳаммомларда ҳам кенг қўллана бошланди. Ҳатто ўша даврдаги ислом табиблари бундай безакларни ҳаммомларнинг тозалик аломати, хусусияти, деб тушунишган. Масалан, машҳур табиб Муҳаммад ибн Закария ар-Розийнинг (864-925) фикрича, қадимги табиблар ҳаммом ва улардаги безакнинг одам танасига ҳаётбахш таъсирини сезиб, уларни томоша қилиш инсоннинг барча ҳаётий кучларини мустаҳкамлашга қаратилиши зарур, деб билганлар.

Машҳур табиб Абу Али ибн Сино (980-1037)нинг айтишича, ҳаммомда ҳарорат меъёрида бўлмоғи, унда ёруғ, кенг ечиниш хонаси, яхши тасвирлар: муҳаббат, боғ-роғлар, чопқир чавандозлар, йиртқич ҳайвонларнинг сувратлари чизилиши лозим. Албатта, бундай тасвирлар, айниқса, ишқий муносабатларга хос мавзулар содиқ ва тақводор мусулмонлар, руҳонийлар томонидан қораланган эди. Масалан, имом Ибн Ҳанбал (780-855): "Агар одам ҳаммомга кириб, унда тасвирларни учратса, уларни ўчириши зарур, агар иложи бўлмаса, ундан чиқиб кетмоғи зарур", деб айтган дейилади.

Аммо бундай мавзудаги сувратларга бўлган салбий муносабат IX аср охирларига келиб ҳали ҳал қилувчи кучга кирмаган эди.

Гап шундаки, Ислом ва шариатдаги асосий йўналишлар (ҳанафия, моликия, шофиъия, ханбалия) — мазҳаблар фақат IX асргача ишлаб чиқилди. Шариат қонуни — Ҳидоя-и Шариф эса XII асрда яратилди. Табиийки, ўша даврда бу мазҳабларнинг тариқатлари орасида ижтимоий воқеаларга, шунингдек тасвирий санъатга муносабатда тафовутлар мавжуд эди. Бу даврда араб-мусулмон маданиятининг энг муҳим қисми ҳисобланган ана шу мазҳаб ва оқимларни, диний қавмлар турли мафкуравий-ғоявий таълимотларни қиёсий ўрганиш давом эттирилди. Бу ўз навбатида ўша мазҳаблардаги эътиқодларнинг тенг мавқелилигини (мафкуравий плюрализм), бир-бирига нисбатан эътиқодий сабр-тоқатлилик, хурфикрликни юзага чиқаради. Худди шундай мафкуравий сабр-тоқатлилик, айтиш мумкинки, IX-X асрларда Исломнинг тасвирий санъатга бўлган муносабатида ҳам кўзга ташланган эди.

XI асрга келиб эса Исломнинг тасвирий санъатга муносабати кескин ўзгарди. Бунга сабаб юқорида эслатилган мавзудаги тасвирларнинг нафақат ҳаммомларда, балки бой-зодагонлар, ҳокимларнинг сарой ва қасрларида, хонадонларида тез-тез учраб туриши ҳам бўлди.

Тирик мавжудотлар тасвирига қарши чиқиш исломда кейинги даврларда ҳам ривожланиб борган. XIV асрда мисрлик олим Тожиддин ас-Субки тасвирларга изчил қарши чиқиб, шундай ёзади: "Бўёқчи ҳайвонлар сувратини деворга ҳам, шипга ҳам ёки аслаҳаларга ҳам солмаслиги керак. Бизнинг тариқатимиз намояндаларидан айримлари эса полдаги тасвирга рухсат берганлар".





Юқорида келтирилган лавҳалар Ислом динининг тасвирий санъатга бўлган қатъий муносабатини тушунмоқ учун ёрдам беради холос. Бу ерда Ислом ҳуқуқшуносларининг у ёки бу мавзудаги тасвирларга рухсат бериш ёки тақиқлашда асосий эътиборни нималарга қаратганлигини тушуниш бағоят муҳимдир. Чунки турли ислом уламоларининг ва мазҳабларнинг тасвирий санъатга бўлган дунёқарашидаги асосий фарқлар худди шу масалада кўринади. Фикримизча, улар тасвирларнинг ярамаслиги ёки эътиқодга мумкинлигини уч асосий омил бўйича аниқлаганлар: биринчиси — ишланган тасвирнинг сиғинишга, яъни унга эътиқод қилишга, тўғрироғи, бутпарастликка мойил ва қулай тарзда яратилганлиги (бу, албатта, ислом дини учун хафли саналган): иккинчиси — тасвирнинг кишида ички ҳирсий хиссиётларни уйғотишга мойиллиги (бу энди мусулмон учун ўта ноқулай бўлиб, унинг тартиби ва таҳоратини ихтиёрсиз бузиб юбормоққа мойилдир); учинчиси — тасвирнинг қай даражада реал ёки нореал ишланганлигидир.

Ушбу асосий омиллар ва улар билан боғлиқ фикрлардан келиб чиқиб, тасвирий санъатда мусулмонларга нимани ман этиш ёки ман этмаслик масаласи ҳал қилинган. Масалан, маълумки, бутпараст ва буддойилар жонли нарсаларга, уларнинг суврат ва ҳайкалларига (бут ва санамларга) сиғиниб, эътиқод қилганлар. Исломдан аввал Арабистон ярим оролида ҳам турли араб қавмларининг алоҳида бут ва санамларга ибодат қилишлари авж олиб, улар келишолмай ўзаро жанжаллар чиқиб турган. Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз Макка шаҳрини фатҳ қилганларида Каъба ва унинг атрофида араблар сиғинадиган 360 санамни кўриб, уларнинг барчасини синдириб ташлашни буюрганлар. Бу билан ул ҳазрат араб қавмларини бирлик ва тотувликка, тинчлик ва дўстлик, маърифат дини бўлган Исломни қабул қилишга ундаган. Чунки Ислом бу динга кирганларни уларнинг қавм ёки миллатидан қатъи назар фақат яратувчининг ўзига, яъни ягона Аллоҳга сиғиниш ва эътиқод қилишни буюради. Аллоҳни суврат ёки ҳайкал тарзида тасвирлаш ва унинг тасвирига сиғиниш Исломда ўта хавфли гуноҳдир, чунки Аллоҳнинг шериги йўқ. Исломда ҳатто бирор жонли нарсанинг (майли у гўзал маъбуда бўлсин) сувратини чизиб ёки ҳайкалини ишлаб, унга эътиқод қилиш Аллоҳга ширк келтириш ва Исломдан чиқиш демакдир. Шундай экан, ислом ўз таълимотининг шаклга кира бошлаган даврларидан (VIII аср охири — IX аср бошларидан) бошлабоқ сиғинишга мойил шаклда ишланган жонли суврат ва ҳайкалларга монелик қилган. Айниқса, уларнинг реал ва эътиқод қиладиган ҳолда ишланиши бутпарастликка очилган кенг йўл деб тушунилган. Шунинг учун ҳам исломда бундай тасвирларни яратишнинг ўзи гуноҳ, унинг яратувчиси эса у дунёда оғир жазога маҳкумдир. Бироқ Ислом динининг мафкураси шундайки, агар ўша жонли нарсанинг сурати кишилар эътиқод қилмайдиган нарсаларда (масалан, кўрпа, гилам, пол, идиш-товоқлар ва х. к.) ва ҳатто кийим-кечакларда ҳам мўъжаз ёки нореал ҳажмларда ишланганда, бу айбга буюрилмаган. Чунки инсоннинг оёқ остига тўшаладиган ва эътиқод қилинмайдиган буюмларга ишланган майда тасвирларга сиғинишга асло мойиллиги йўқ.

Хўш, X-XI асрлардан бошлаб ислом тақиқ этган рангтасвирли монументал деворий сувратларга Мовароуннаҳрда ҳазрат Амир Темурдек ислом ҳомийси даврида нега йўл қўйилди?

Бу саволга жавоб беришдан олдин, ўйлайманки, Амир Темур ҳокимият тепасига келганда Мовароуннаҳрда ислом таълимотининг санъатга муносабатига эътибор бермоқ зарур. Темур замонасигача Марказий Осиё мусулмонлари ва ўлкадаги бошқа динларга мансуб халқлар қарийб 150 йил давомида (1224-1370) мўғуллар истилоси зулмида бўлиб келдилар. Шу йиллар ичида ҳукмронлик қилган ва аслида яздонпараст бўлган Чингизхон ва унинг авлодлари бу ўлкада ислом динини зоҳирона қабул қилган бўлсалар-да, маънан қабул қила олмаган эдилар. Шу боис мўғул ҳукмдорлари Ўрта Осиёда ўша даврларгача сақланиб қолган бутпарастларга деярли қаршилик кўрсатмадилар. Аксинча, улардан айримлари бутпарастлик йўлига кирдилар. Бутпарастларга қарши курашни эса асосан мовароуннаҳрлик мусулмонлар олиб бордилар. Шунинг учун ҳам ўша давр Ислом таълимотида асосий эътибор бут ва санам ҳайкалларга қарши курашга қаратилди. Исломнинг жонли мавжудодлар, шунингдек, одам ва ҳайвонлар сувратларига бўлган илгариги тақиқлари XIII-XIV асрларга келиб деярли ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этмай қолди. Дарҳақиқат, мўғуллар истилоси даврида тасвирий санъатга муносабат у ёқда турсин, ҳатто ислом ва шариат қоидаларига риоя қилиш сусайиб кетди. Ана шундай шароитда ҳокимият тепасига келган Амир Темурнинг боғ-саройларини безашда унинг ижтимоий-сиёсий, ҳаётий, оилавий лавҳаларини акс эттирувчи сувратларга диний мазмун берилмаган ва шу боис уларга маънан қаршилик кўрсатилмаган. Темур тарихини ёзган Ибн Арабшоҳ ҳам Темурнинг боғ-саройларга солдирган тасвирлардан мақсади "Темурнинг ишларидан ғойибона хабардор бўлиб, уларни ўз кўзи билан мушоҳада этмаганларга яққол намоён қилиб кўрсатиш эди",— деб таъкидлайди.

Амир Темур даврида ҳаётий мавзудаги деворий тасвирий санъат намуналарини меъморий безаклар тарзида қўллашга ислом қарши бўлмаган.

Айни пайтда унутмаслик керакки, ҳазрат Амир Темур ва темурийлар даврида Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Табриз ва кейинроқ Бобурийлар замонасида Ҳиндистонда нафис тасвирий санъатнинг йирик мактаблари — "Санъат академиялари" ташкил қилиниб, уларда жаҳонга танилган машҳур ва забардаст мусаввирлар етишиб чиқдики, улар нафақат Шарқ мусулмон халқлари, балки жаҳон маданияти учун ҳам нодир ва ўлмас асарлар яратдилар.

Юқорида кўрдикки, то XIV-XV асрларгача исломда тирик мавжудодларнинг айрим сувратларини белгиланган ҳолатларда тасвирлашга йўл қўйилган. Айни пайтда ва бундан илгари ҳам девор сувратларида, китоб тасвирларида (миниатюра) ҳамда амалий санъат буюмларида одам ва ҳавонларни жўн тасвирлаш давом этиб келган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мусулмон қонуншуносларининг юқорида келтирилган лавҳаларида китоб саҳифаларидаги миниатюралар, шунингдек, буюмлардаги, овқатланадиган идиш-товоқлардаги тасвирлар ҳақида бирон киши эслаб ўтмаган. Абу Ҳомид ал-Ғ ззолийнинг юқорида келтирилган лавҳасида эса овқатланиш идишларида тирик мавжудотларни тасвирлаш ман этилмаган, деб аниқ айтилган. Бундан фаҳмлаш мумкинки, китоб миниатюраси ҳам тасвирда ижозат берилганлар қаторида турган.

Маълумки, пайғамбаримизнинг сувратлари ишланган миниатюраларда ул зоти шарифнинг гавдаси чизилган бўлсада, юз тузилишлари бекиғ ҳолда тасвирланган. Қадимда баъзи пайғамбарлар ва улуғ зотлар ўлганларидан сўнг қавмлари уларнинг руҳига эътиқод қилганлар. Қуръони карим бу эътиқоднинг нотўғри эканлигини баён қилади. Ислом бундай эътиқодга жуда эхтиётлик билан ёндошиб, ҳатто Муҳаммад пайғамбарни ҳам, унга сиғинишдан ва худолик даражасига кўтариб юборишлари хавфидан сақлаш мақсадида, унинг вафотидан сўнг суврат ва ҳайкалларини яратишни буюрмаган.

Бундан ташқари, мусулмонлар маҳобатли тасвирий санъат асарларида кишиларнинг ҳирсий ҳиссиётларини уйғотишга қодир бўлган тасвирларга ҳам қарши турганлар. Одатда бундай тасвирлар одам ёки ҳайвонлар, яъни жонли мавжудодларнинг сувратларини чизишдан келиб чиқади. Шу боисдан улар ислом санъатига хос эмас.

Демак, ислом таълимоти тасвирий санъатда фақат тирик мавжудодлар акс эттирилган маҳобатли кўринишларга, яъни рангтасвирли йирик деворий сувратларга ҳамда санам ва ҳайкалларга қарши турган. Бироқ бундан исломни тасвирий санъатга бутунлай қарши бўлган деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Аксинча, ислом мусулмонларни ҳаётда гўзалликка интилишга, қурилган иморатларни, шаҳар ва масканларни кўркам ва обод қилиб яратишга чақирган. Бунинг оқибатида тасвирий санъат ва меъморий наққошликда янги исломий йўналишлар вужудга келди. Бу йўналишлар меъморчиликда ҳандасавий ва ўсимликсимон нақшларнинг ёзувий нақшлар билан қоришиб кетишида ҳамда китоб ва муроққаъ (албомлар) саҳифаларига ишланадиган нафис рангтасвирли сувратлар — миниатюра санъатида ўз ифодасини топди. Айни пайтда, меъморий обидалардаги ёзувий (епиграфик) нақшларда ислом таълимоти тарғиб қилинди.

Агар эсласак, собиқ шўро ҳукумати даврида ҳам шўро мафкурасини тарғиб этувчи турли ши р ва расм, портретлар билан шаҳарлар тўлиб кетар, бино ва иншоотлар тарзи улар билан безалиб турар эди. Ислом худди шундай ишни советлардан неча асрлар олдин Қуръон ва Ҳадислардан олинган ҳикматли сўзларни меъморий обидаларнинг нақши тарзида амалга оширди. Араб ҳуснихатидаги бу ёзувлар шундай юксак бадиий маҳорат билан ишландики, улар сифатидаги марварид каби бино ва иншоотлардаги бошқа меъморий нақшларга қўшилиб, гўзал уйғунликни вужудга келтирди. Бу ё увлар советларнинг сохта шиорларидан фарқ қилиб, ўша иморатлар яшаганча яшаб, халқ онгида абадий қолди, инсонларни эзгуликка, умумбашарий қадриятларни эъзозлашга, маънавиятга ундаб келди.

Исломда жонли мавжудотларнинг суврат ва ҳайкалларини яратишга қарши қаратилган тақиқ қатъий шаклланган даврдан бошлаб ҳозирги кунларимизга қадар неча юз йиллаб даврлар ўтди. Бу йиллар ичида халифаликка кирган собиқ мусулмон мамлакатлари нафақат миллий мустақилликка чиқдилар, балки иқтисодий, маънавий-маърифий жиҳатдан юксак тарихий-ижтимоий ривожланиш йўлини босиб ўтдилар. Эндиликда бу мамлакатлар маданияти ва тасвирий санъатида улкан ўзгаришлар рўй берди. Ҳар бир хонадонга ойнаи жаҳон кириб келди. Ўрта Осиё республикаларида собиқ совет тизими даврида ҳайкалтарошлик ҳамда монументал рангтасвирли деворий сувратлар исломгача бўлган даврлардагидек яна авж олди. Машҳур ва улуғ зотларнинг сувратлари ва ҳайкалларини ишлаш миллий мафкура чегарасидан чиқиб, дунёвий маданият тусига кириб қолди. Бу ишлар, албатта, авлодларнинг уларга эътиқод қилиши, иймон келтириши эмас, балки ҳурматини бажо келтириб, руҳини шод этиш, деб қараб келинмоқда. Шу боис бундай қадриятларни бугунги кунда Исломнинг тасвирий санъатдаги тақиқига қарши деб қарамаслигимиз зарур. А синча, уларда биз аждодларимизнинг (илк ўрта асрлардаги) маданий қадриятларини, шунингдек дунёвий санъат ва маданият ғояларини кўрмоғимиз даркор. Исломнинг ўзи ҳам ана шундай умуминсоний қадриятларга қарши бўлмаганлигини, аксинча, уларни ҳурмат қилганлигини эслаб ўтиш айни муддаодир.

Ислом динининг тасвирий санъатга муносабати бугунги кунда ҳам ўйлаб кўриладиган муҳим масаладир. Бу масалани ҳозирги даврда Марказий Осиё халқларининг истиқлол мафкурасига ёт бўлган турли беҳаё рангли сувратлар ва расмфурушлик, онгни заҳарловчи ва бемаъни ҳиссиётларга етакловчи видеофилмларнинг халқимиз, айниқса, ёшлар орасида оммавийлашувига қарши қаратмоғимиз зарур. Ислом дини ҳам аслида ўз мафкурасини ана шундай ёт унсурлардан поклашга қаратади.

Биз ҳам тасвирий са ъатимизда ана шундай мафкуравий покликка эришмоғимиз ва бой тар хий қадриятларимиздан келиб чиқиб, санъатимиздаги миллийликни умумжаҳон санъати даражасига кўтармоғимиз зарур. Ислом ҳам ўрта асрларда мусулмон мамлакатлари халқларининг миллий санъатини умуминсоний қадриятлар даражасига кўтаришга эришди.

# ҲУНАРМАНДЧИЛИК — МУЗЕЙ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамасининг "Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"деб қабул қилган қарори биз, музей ходимларини ниҳоятда қувонтирди. Қарорда кўрсатилган барча тадбирларни амалга ошириш зиммамизга катта масъулият юклайди. Бу борада Бухоро давлат бадиий-меъморчилик музей-қўриқхонасида сўнгги йилларда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда халқ ҳунармандчилигини тиклаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Шуни ҳам айтиш керакки, бугунга келиб ҳунармандчиликни тиклаш учун катта ҳаракат бошланган. Лекин бу жуда қийин иш. Чунки ҳозирда ҳунармандчиликнинг кўп тури йўқолган ва унутилган. Фақат музейгина ўз коллекциялари асосида маҳорат, кўникма ва технологик билимларни ўрганишни йўлга қўйишга қодир, деб ўйлаймиз. Архив материаллари, баъзи қадимий иморатлар, энг асосийси — ишлаб чиқаришнинг зарур намуналари, буюмлари ва уларни тайёрлашда фойдаланилган асбоб-ускуналар бу борада жуда қўл келмоқда. Кейинги йилларда очилган музейлар ҳунармандчиликнинг турлари билан бевосита боғлиқ. "Бадиий ёғоч ўймакорлиги музейи", "Мис ўймакорлик буюмлари музейи", "Бухоронинг анъанавий кийим-кечаклари музейи" "Заргарлик санъати музейи" шулар жумласидандир. 1992 йили Бухоро музейининг 70 йиллиги муносабати билан бир қанча экспозициялар ташкил қилинди. Темирчи уста Камоловлар сулоласига бағишланган темирчилик музейи ҳам очилган эди. Бу кичкина музей барчани ҳайратда қолдирди. Бобокалони темирчи ўтган уста Шокир Камолов қадимий асбоб-ускуналардан фойдаланиб ишлаяпти, музей экспонатлари намуналари бўйича буюмлар тайёрлаяпти. Бу ерда тажриба алмашиш ва муаммоларни муҳокама қилиш учун йиғилиб турадиган 40 нафар темирчилар гуруҳи ҳам мавжуд. Бу музейни темирчилик ҳунарини тиклаш маркази десак, янглишмаймиз.

XIX — XX асрларга мунсуб уч юздан зиёд каштачилик намуналарининг энг қизиқарли коллекцияларидан биридир. Улар орасида сўзана, ним сўзана, жойпўш, жойнамоз, дастурхонлар, сандал ёпғичлар ва бошқалар бор. Каштачилик музейи коллекцияси икки турга бўлинади. Биринчиси зардўзи каштачилик, иккинчиси ипгазлама ёки шойи иплар билан тикишдир. Бухоро зардўзи санъати бутун жаҳонда машҳур. Музей коллекциялари асосида ишлаётган ҳозирги зардўзи усталар Муқаддас ва Бахшилло Жумаевларнинг ишлари алоҳида эътиборга лойиқ. уларнинг Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларига бағишлаб тайёрлаган зардўзлик ишлари Бухоро зардўзлик санъатининг энг яхши анъаналари даражасида бажарилган.

Музейдаги каштачилик коллекциялари Бухоро, Ғиждувон, Шофиркон, Нурота, Ургут, Шаҳрисабз каштачилик санъати мактаблари намуналаридан иборат. Тўқимачилик ҳунармандчилиги коллекцияси катта гуруҳни ташкил этади. Газмол ишлаб чиқариш жараёни косиблик дастгоҳлари ва асбоблари — ип-йигириш чархлари, пахтани чигитдан тозалаш дастгоҳи ва бошқалар ёрдамида амалга оширилган. Матоларни хилма-хил безаш ва гул босишда унча-мунча уста Бухоро усталарига тенглаша олмаган. Музейда 214 та нақш босадиган ёғоч андаза қолиплар мавжуд.

Ҳозирги кунда Бухоро шаҳридаги пиллакашлик фабрикаси қошидаги атлас тўқиш цехи усталари тўқув косиблиги анъаналарини қайта тикламоқдалар. Бухоро музейида гиламларнинг ноёб коллекцияси сақланмоқда. Бухорода тайёрланган гиламлар ёрқин ранглари, нақшларнинг гулдорлиги, катталиги ва баланд-пастлиги билан ажралиб турган. Бундан ташқари, коллекцияларимизда туркман ("Қизил аёқ", "Текин", "Аробачи"), уйғур, афғон, арман гиламлари ҳам мавжуд.

Бугунги кунда гиламдўзлик, шол тўқиш, кигиз тайёрлаш билан боғлиқ барча анъаналар деярли сақланиб қолган. Вилоятимизда гиламдўзлик саноат асосида ҳам, косиблик асосида ҳам ривожланмоқда. Бухорода "Бухоро — Истанбул" қўшма корхонаси ишлаб турибди. Шофиркон туманида Жаҳонгировлар, Ғиждувонда Эргашевлар, Қоракўлда Бозорбоевлар, Олотда Фахриддинов ва Ҳабибовлар оилалари гиламдўзлик анъаналарини давом эттирмоқдалар.

Металлни қайта ишлаш ҳунармандчилигида мисгарлик катта ўрин эгаллаган. XXаср бошларида Бухорода 400га яқин мисгар фаолият кўрсатган. Музейдан ўрин олган XIX аср ва XX аср бошларидаги ҳунармандчилик намуналари Бухоро мисгарларининг юксак маҳоратидан далолат беради. Ҳунармандчиликнинг бу турида авлоди мисгар ўтган, изланувчан ажойиб уста Салимжон Ҳамидов Бухоро шуҳратини оламга ёйган эди. унинг куч-ғайрати билан 1968 йилда мисгарлик устахонаси ташкил этилди. Унинг шогирдлари Маҳмуд Ғуломов, Раҳмат Бердиев, Тоҳир Қосимов, Умид Алиев, Анвар Ҳамидов, Миржон Аҳмедов, Дилбар Ҳалимова, Гулчеҳра Раҳматова, Бухоро мис ўймакорлик анъаналарини давом эттирмоқдалар.

Музей жамғармасида бронза давридан ҳозирги кунгача бўлган даврни қамраб олган заргарлик буюмлари коллекцияси алоҳида ўрин тутади. Қадимги тақинчоқлар, металл, ложувард, феруза, ҳақиқдан тайёрланган безаклар, шунингдек, металл ҳалқалар ва билакузук, жами мингдан зиёд буюмдан иборат. XIX асрга ва XX аср бошларига мансуб тақинчоқлар ҳам катта ўрин эгаллайди. XXаср бошларига келиб Бухорода 400тача заргар бўлган. Улар асосан Тоқи заргаронда ишлашган ва савдо-сотиқ қилишган. Ҳозир Бухоро музей қўриқхонаси Тоқи заргарон гумбази ҳудудида Бухоронинг энг сара ўймакорлари, зарб қилувчи усталари, заргарлари ва амалий-манзаралари санъатнинг бошқа турлари бўйича усталар ишлайдиган бутун бир комплекс очишга ҳозирлик кўряпти.

Кулолчилик буюмлари музей фондида катта ўрин тутади. Бухоро ҳудудидаги археологик қазишмалар пайтида топилган XVII—XIX асрларга мансуб сопол идиш музей коллекциясининг фахри ҳисобланади. Ер юзидаги бирорта музей бундай ноёб буюмга эга эмас.

Ҳозирги даврда кулолчи усталарнинг коллекцияси, айниқса, бой. Улар орасида бутун авлоди кулолчи ўтган гиждувонлик усталар Умар Усмонов ва Ибодулло Нарзуллаевнинг асарлари бор. Қадимий ҳунармандчиликни тиклаш ва ривожлантириш ишларини олиб бориш учун аниқ илмий йўналиш ишлаб чиқишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Музей-қўриқхона мазкур йўлда давтлабки қадамлар ташлади. Ҳозирги пайтда "Умрбоқий мерос" дастури ишлаб чиқилмоқда. Музей-қўриқхонада ҳозирги замон тарихи ва этнографияси бўлими ташкил этилди.

"Умрбоқий мерос" деган мавзуда вилоят халқ ҳунармандлари, усталар, таниқли олимлар билан биргаликда катта илмий анжуман ўтказилди. Анжуманда қатнашган барча уста-ҳунармандлар, олиму фозиллар ўз тажрибалари билан ўртоқлашадилар.

Қувонарли томони шундаки, Бухоро музейига усталаримиз асарлари кўргазмасини ташкил этиш тўғрисида Покистондан таклиф келди. Ва биз Покистонда ўтказилган Ҳунармандларнинг биринчи Халқаро фестивалида иштирок этдик. Ҳунарманд усталарнинг ишлари фестивалда юқори баҳо олди.

Хуллас, юқорида айтилган қарорни амалга оширишда музей ходимлари фидойилик кўрсатяпти. Бу қарор кейинги ишларимизда ҳақиқий дастуриламал бўлишига ишонамиз.

**Матлуба БОЗОРОВА,**
**Бухоро Давлат бадиий-меъморчилик музей-қўриқхонаси бўлими мудири**

